



ХОНАБАД ШАҲРИДА СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ВА ТИББИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Миржалилова Сохиба Шавкат кизи

Насруллаева Самира Мехроджевна

Сайдуллаева Наргиза Толмас кизи

Илмий раҳбар: Гиясова Нигора Кобиловна

Аннотация: Андижон вилоятининг Хонабод шаҳри туризмнинг барча турларини, айниқса соғломлаштирувчи ва тиббий туризмни ривожлантиришда келажаги порлоқ, истиқболли шаҳарлар қаторига киритилиши, катта инвестициялар олиб келинишини кутаётган ҳудудларқаторидан ўрин олиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Калит сузлар: географик усул, кузатиш, социологик, суҳбат, тарихий усуллар

Илмий тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг марказидан олис ҳудудларда жойлашган, кичик шаҳарларда соғломлаштирувчи ва тиббий туризмни ривожлантириш тажрибасини ўрганиш ва истиқболларини таъминлашга доир таклиф ва тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотусуллари ва материаллар: географик усул; кузатиш; социологик (суҳбат) ва тарихий усуллар. Ўзбекистон Республикасининг энг олис ва чеккасида жойлашган Хонабод шаҳрининг туристик ресурслари, туристик индустрияси ва фаолиятини соғломлаштирувчи ва тиббий туризм контекстида ўрганилди.



Натижалар: Хонабод шаҳри бетакрор табиий-иқлим шароитлари ва бу ерда инсон ақл-идроки, ташаббуси ва меҳнати билан яратилган ҳамдаяратилаётган туристик ресурслар, жумладан, 49 хил дарахтларнинг ўстирилаётганлиги ва сарвқомат қайинзорлар, арчазорлар, каштанзорлар ва бошқа боғлар мажмуи мавжуд. Қушларнинг хониши, дов-дарахт ва гуллар таратаётган хушбўйликка бурканган исторахат боғи, кўчаларнинг иккиқирғоғида зилол сувлар оқиб туриши эътиборни ўзига тортади. Шаҳарнинг йилнинг 12 ойида ям-яшил бўлиб туриши, унинг ўртасида денгиз сатхидан 850 метр баландликда жойлашган қир-адирлар ва у ердаги Хонтахт ва Дўстлик дам олиш мажмуалари кишини бефарқ қолдирмайди. Замон талабларива жахон стандартиларига мос келадиган Хонабод сихатгоҳи, унинг кишиларни даволаш ва соғломлаштирувчи имкониятлари қайд қилинди. Пастликдан қирнинг тепасига олиб чиқадиган канатик йўли, тенникўр зинопоёлари, қир устида барпо этилган атиргуллар хиёбони, катта ҳудудда ястаниб ётган арчазорлар кўрки ва улардан тарқалаётган шифобахш ҳидбўй дилларга ором бахшлайди. Қир-адирнинг энг чўққисида ўрнатилган томошачархпалаги бетакрор воҳанинг гўзаллигидан баҳраманд бўлишга имконият беради. Шаҳарнинг энг кўзга ташланадиган туристик объектларидан бири Фозилмон ота мажмуаси бўлиб, у йил давомида сайёҳлар билан гавжум. Бу ерга улар ислом динининг тарғиботчиларидан бири Сайид Фозилмон Деҳлавийнинг қабрини зиёрат қилиш учун келадилар. Зиёратгоҳ яқинидаги шифобахш булоқ суви асрлар давомида қатор касаликларга даво бўлиб келган. Баландлиги 115,5 метр, узунлиги 1020 метр бўлган тўғон (плотина) ортидаги “Андижон денгизи”и ва ундан оқиб чиқадиган Қорадарё, Шахрихонсойи, Андижон сойи, Савай канали, қир-адир ичидан тунел орқали кўшни республикага ўтказилган канал ва шаҳарнинг ичидан оқиб ўтадиган ариқларнинг сувлари шаҳар иқлимининг мулойимлигини таъминлаб туриши қайд қилинди. Қорадарё қирғоғида жойлашган “Афсона” оилавий дам олиш маскани, “Толзор” (“Тополино”) кўли ва кемпинглар мажмуида мазмунли хордиқ чиқариш имкониятлари яратилган. Шаҳарда ва унинг атрофида, шунингдек тўла тадқиқ қилинмаган больнеологик ва бошқа тиббий имкониятлари, жумладан “Шўрбулоқ”, “Алчалибулоқ”,



“Кўкбулоқ”, “Жаннатбулоқ” сувлари, қирадирнинг дарраларидан биридаги қизилқум ва бошқаларнинг шифобахш ва соғломлаштирувчи хусусиятлари бугунги кунда тўла ўрганилмаганлиги қайд қилинди.

Хулоса ва таклифлар: Андижон вилоятининг Хонабод шаҳри туризмнинг барча турларини, айниқса соғломлаштирувчи ва тиббий туризмни рифожлантиришда келажаги порлоқ, истиқболли шаҳарлар қаторига киритилиши, катта инвестициялар олиб келинишини кутаётган ҳудудлар қаторидан ўрин олиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Литература:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., & Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., & МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., & Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., & Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).



5. Азимова, А. А., & Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
6. Супхонов, У. У., Файзиев, Х. Ф., Азимова, А. А., & Абдурахмонов, Д. Ш. (2024). СУЩЕСТВУЮТ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ЛИПОСАКЦИИ, КОТОРЫЕ УСПЕШНО ПРИМЕНЯЮТСЯ ДЛЯ КОНТУРНОЙ ПЛАСТИКИ ТЕЛА. NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI, 1(2), 18-22.